

Аслон Оғашер

**ОВОЗИМ
ДУНЁ КЕЗАР**

Шеърлар



Toshkent
2021

ЭЪТИРОФ

ОВОЗИМ ДУНЁ КЕЗАР

Эй, Она юртим сени меҳринг юрак қонимдадир,
Қон билан бирга танамда жисмаро жонимдадир.
Жисмаро жонни нетайким барча имконимдадир,
Ота-онамсан диёрим, шавкатим, шоним ўзинг

Тупроғингга хар куни бошим эгиб бергум салом,
Барча миллат оқилу доно эрур ширин калом.
Қучоғингда ҳамма миллат тенг яшайди
вассалом,
Олам узра ифтахорим, шавкатим, шоним ўзинг.

Дунёда машҳури жаҳон бўлганинг бўлди аён,
Нур сочиб бошингга офтоб, толэинг кулди аён,
Шўроларнинг барча эккан гуллари сўлди аён.
Жисми жоним, номус орим, шавкатим, шоним
ўзинг.

Юртбошим Амир Темур шиорига қилди ҳавас,
Ўзбекистон халқлари доврўғи дoston бўлди, бас!
Ишбилармон фермеру, оқилу доно барча кас,
“Куч-адолатда” шиорим, шавкатим, шоним
ўзинг.

Шоду хандон Оғашерман овозим дунё кезар,
Ҳар сўзим маъносини ақли расо ҳар дил сезар,
Маҳсулот ишлаб чиқаришда элим элдан ўзар,
Шўх жаранглар қўлда торим, шавкатим, шоним
ўзинг.

МУБОРАК БЎЛСИН

Истиқлол қуёши муборак бўлсин,
Гуллаган диёрим, боғу бўстони.
Бағрингда элатлар яйрасин, кулсин.
Эй, менинг мустақил Ўзбекистоним.

Темурни дунёга келтирган элим,
Қорабайир отин елдирган элим,
Дунёга борлигин билдирган элим,
Эй, менинг мустақил Ўзбекистоним.

Ҳар сиқим тупроғинг жонларга пайванд,
Боғингда мевалар ширин, асал, қанд,
Ватан посбонлари сергақдир ҳарчанд,
Эй, менинг мустақил Ўзбекистоним.

Шижоат ғайратинг дарёдай тошар,
Мамлакатлар аро ҳурматинг ошар,
Сен она юртимсан, қутлайди башар,
Эй, менинг мустақил Ўзбекистоним.

Оламда тенги йўқ, бўстон эрурсан,
Жаннатмакон юрт, гулистон эрурсан.
Дунё тилларида дoston эрурсан,
Эй, менинг мустақил Ўзбекистоним.

Номингни ҳар куни куйга солурман,
Фикру ёдинг билан илҳом олурман,
Оғашер, бағрингда мангу қолурман,
Эй, менинг мустақил Ўзбекистоним.

ОЛТИН ДИЁР

Ҳар киши-ким ота-она, юртга қилса эътибор,
Ҳар бало-ю, ҳар қазодан асрагай парвардигор,

Бефаросат, бетаъмизларни кўриб,бағрим кабоб,
Ўзга юртда керилиб, юрган билан, бир дўстга зор,

Ғайри юртнинг бир куни бир йилга тенгдир
ўйласам,
Арзи-ҳол айтай деса-сирдош тополмай хор-у хор,

Одами ўз юртида меҳнатга кўнгил боғласа,
Тер тўкиб пешонадан, мағрур яшар мардонавор.

Ўзбекистондек гўзал,нурли диёр оламда йўқ,
Дошқозонда сумалаклар, ҳар йили келса баҳор,

Кўҳна Турон тупроғидир беҳисоб кони хазин,
Шу сабабдан Она юртим Оғашер,олтин диёр.

МАМЛАКАТНИНГ ЭГАСИ БОР

Бebурд одам бўлади хор, ёруғ олам қоронғи, тор,
Қувонмагин кучингга ҳеч, мамлакатнинг эгаси
бор.

Ўзини қадрини билмас, ўзгаларга раҳм қилмас,
Байрам, маърака, тўйларда, ҳатто чақирсанг
ҳам келмас.

Ким дўсту, ким душман бўлар, кимлар яшаб,
кимлар сўлар,
Дунё ўзи шундай экан, дўст ачинар, душман
кулар.

Жаннатмакон юртда яшаб, нонини еб, ошин
ашаб,
Қайси мамлакатга сиғар, ўз Ватанин кетса
ташлаб.

Ҳар яхши қўл ошин ейди, ёмон одам бошин
ейди,
Бир ўзи бўлса майли-я, қовму қариндошин
ейди.

Оғашерман орим бордир, Ватаним, диёрим
бордир,
Ўзбекистон фарзандиман, ғазалхонман, торим
бордир.

ОБОД БЎЛУР **(Муҳожирларга)**

Қайда раҳбар доно бўлса, мамлакат обод бўлур,
Халқлари бой-у бадавлат, турмушидан шод
бўлур.

Тўғри йўлни кўрсатиб, эл дуосин олса киши,
Ҳар бало-ю, ҳар қазодан батамом озод бўлур.

Ихтиёр қўлимда деб элга хиёнат айласа,
Инқирозга юз тутиб, зўр мамлакат барбод бўлур.

Қорни оч қолган ҳалойиқ элу-юртин тарк этиб,
Очдан ўлмаслик учун ҳар туну -кун фарёд
бўлур.

Оғашер, жаннат диёрнинг қадрига ет, қил
шукур,
Доно Шавкат раҳбарим бор, мамлакат обод
бўлур.

ҚАЛБИДА ҒАМ БЎЛМАСИН

Ақли расо кишиларнинг кўзида нам бўлмасин,
Меҳри дарё ўзбегимнинг қалбида ғам бўлмасин.

Тинчлигу, тани-сихатлиқда яшармиз ҳаммамиз,
Ўзбекистон халқлари дунёда ҳеч кам бўлмасин.

Шу улуғ юрт тупроғида барча миллат бахтиёр,
Ҳеч қачон Юртбошимизнинг қовмати ҳам бўл-
масин.

Қисқа муддат ичида дунёга юз тутди элим,
Шавкат оғамнинг қуёши порласин, шам бўл-
масин.

Президент-бош рахбаримнинг ҳар қарори халқ
учун,
Келди даврон, орамизда ҳеч муттахам бўл-
масин.

Оғашерман, мақсадим ошкора айтдим қилма
қасд,
Ишламасдан тишлаган нонхўр бирор дам бўл-
масин.

ХАЛҚ ИШОНАДУР

Ўзбекистон ер юзида тенги йўқ, яғонадур,
Ҳамма миллат бахтиёрдир, ғам-алам бегонадир.

Эътиқоди дил билан меҳнат қилар катта-кичик,
Барча элат дўсту-содиқ, қизлари дугонадур.

Ўзбекистонни буюк қилмоққа ишлар авжида,
Ҳар киши қилган ишидан қонадур, қувонадур.

Юртбошим шу халқ учун ҳузур-ҳаловатдан
кечиб,
Қанча қонуну қарорлар чиқариб парвонадур.

Раҳбаримга соғ-саломатлик тилаб қилгум дуо.
Шавкатим-бош раҳбаримга барча халқ ишонадур.

Кўҳна Турон дунё илмин бешигидир, шубҳа
йўқ,
Бу заминда яшаганлар бахти бор пешонадур.

Эй, Оғашер, сен шу юртнинг бахтиёр фарзандисан,
Ҳар шеър, ҳар ғазалинг муҳаббатдан нишонадур.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/5640> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/5640> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/5640>